



## ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Ибрагимов Нозимжон Гофурович

**Аннотация.** Мазкур мақолада давлат молиявий назоратининг ташкилий-услугиий хусусиятларида муҳимлиликни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб молиявий назорат тизимида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** жиддийлик (муҳимлилик), махсус муҳимлилик, умумий муҳимлилик, муҳимлилик чегараси, бузиб кўрсатишлар

**Abstract.** In this article, the specific features of the assessment of importance in the organizational and methodological features of the state financial control are researched and suggestions and recommendations are given for their application in the financial control system.

**Key words:** severity (significance), special significance, general significance, threshold of significance, distortions.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются особенности оценки существенности при аудите финансовой отчетности и даются предложения и рекомендации по ее применению в системе аудита нашей страны.

**Ключевые слова:** выраженность (значимость), особая значимость, общая значимость, порог значимости, искажения.

### Кириш.

Бошқа жараёнлар сингари давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишда маълум бир ташкилий инструментларга асосланади. Албатта, молиявий назоратни маълум бир ташкилий тизимларга асосланган ҳолда амалга ошириш унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Давлат молиявий назоратнинг ташкилий асослари деганда бизнинг фикримизча, уни ташкил этишдан тортиб то унинг якуний натижалари бўйича эришилган самарадорликкача бўлган жараёнларни маълум бир тизимлаштирган ҳолда амалга оширишни таъминлайдиган элементларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Буни биз қуйидаги расм асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг фикримизча, бошқа соҳалар сингари, давлат молиявий назоратида асосий масала унинг мақсадини тўғри белгилаб олишдир. Чунки, агар мақсад тўғри аниқлаб олинса, унинг кейинги босқичлари ана шундан келиб чиқиб аниқланади ва йўналишлари белгилаб олинади. Молиявий назоратнинг мақсади унинг объекти бўлган жараён (бу ҳақда аввалги бобда алоҳида расмда кўрсатиб ўтилган) бўйича

биринчидан, молиявий интизомга амал қилиниш ҳолати, ушбу объект доирасида берилган молиявий маблағларнинг самарали, манзилли ва мақсадли фойдаланилганлиги (ишлатилганлиги), молиявий муносабатларга асос бўлувчи бошқа ҳуқуқий муносабатларни (масалан, ишга қабул қилиниш, ходимга таъриф разрядини қўллаш, устамалар белгилаш шу кабилар) амалга оширилиши юзасидан асосли хулосалар чиқаришга қаратилиши самара бериши мумкин.

Бошқа соҳалар сингари давлат молиявий назоратида ҳам мақсаддан келиб чиқиб вазифалар аниқлаштирилади. Молиявий назорат жараёнида вазифалар асосан иккита ҳолатда юзага чиқади. Бир томондан молиявий назоратини амалга ошириш Дастурини тайёрлаш бўлса, бошқа тарафдан молиявий назоратга жалб қилинадиган мутахассисларнинг касбий савияси ва малакасидан келиб чиқиб мутахассисларнинг вазифаларини аниқлашдан иборат бўлади. Албатта бу жараёнда молиявий назоратини амалга ошириш Дастури пухта ишлаб чиқилиши ҳали вазифаларнинг тўғри аниқланишини аниқлашмайди, вазифаларни аниқлашда мутахассиснинг салоҳиятига ҳам боғлиқ бўлади, агар, мутахассис малакали бўлмаса ёки тажрибаси етарли бўлмаса, аниқлаб олинган вазифаларни амалга ошириш шубҳа остида қолади.

Молиявий назоратнинг принципларини белгилаш ва унга амал қилиш йўналишлари белгилаш ҳам муҳим саналади. Молиявий назоратда амал қилинадиган принципларини аниқлаш уни амалга оширишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беради. Келтирилган расмдан кўринадикки,

Ўзбекистонда молия қонунчилигида давлат молиявий назорат тизимининг ташкилий-услубий жиҳатлари, давлат молиявий назорати категориясининг мазмуни (таърифи), молиявий назорат ўтказишда амал қилинадиган принциплар, уни ўтказиш шакллари, турлари, усуллари аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Давлат молиявий назоратни ташкил эттиш ва уни амалга оширишда муҳим звеноларидан бири бу молиявий назорат принциплари (принциплари) ҳисобланади. Юқоридаги расмда келтирилганидек, Ўзбекистон молия тизимида давлат молиявий назоратнинг принциплари сифатида қонунийлик, мустақиллик, натижаларнинг ишончлилиги ва холислик принциплари белгиланган. Аслини олганда ҳар қайси иқтисодий муносабатлар ёки тизимларда принциплар ўта муҳим саналади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Жиддийлик (муҳимлик) – аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий ҳисобварақларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир. (Илҳамов 2011 )

Муҳим бўлмаган (кичик) хатоликларниинг молиявий назоратчилар томонидан текширилмаслигига сабаб:

- бу хатоликлар жуда кичик ва инолиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланувчилар қарорига ҳар қандай вазиятда ҳам жиддий таъсир этмайди;
- кичик хатоликларнинг сабабини аниқлаш ва тўғрилаш учун кўп вақт ва маблағ талаб этилади;
- бу хатоларнинг сабабини аниқлаш ва тўғри сарфланган вақт натижасида моҳавий ҳисоботларни топшириш муддатлари ўтиб кетиши мумкин. (Аҳмеджанов ва Якубов 2010)

Молиявий назоратда жиддийлик, таваккалчилик, бизнес таваккалчилиги ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш. Ички хўжалик назорат тизими билан танишиш ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш. (Санаев ва Нарзиев 2001)

Муҳимлик даражаси молиявий ҳисоботларни қанчалик ўтказиб юбориш мумкинлиги ҳақида кўрсатма беради. (Мансон ва Заман 2001)

Бошқача қилиб айтганда, муҳимлилик даражаси аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга тақдим этилган ишонч даражасини акс эттиради. (Сох ва бошқалар 2013)

Бинобарин, муҳимлик тўғридан-тўғри аудит ўтказиш ва кейинги фикрга боғлиқ бўлсада, муҳимлик ҳақидаги маълумотларнинг этишмаслиги фойдаланувчилар (инвесторлар) ва тартибга солувчиларнинг молиявий назоратчиларнинг муҳимликни қўллашига жуда шубҳа билан қарашларига сабаб бўлди. (Туттле ва бошқалар, 2002)

### 3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда индукция, дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, адаптив усуллар, интеграцион ёндашувлар, активлар кадрсизланиш ҳисоби ва усуллари такомиллаштириш масалалари бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

### 4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистон молия тизимида давлат молиявий назоратнинг принциплари сифатида қонунийлик, мустақиллик, натижаларнинг ишончлилиги ва холислик принциплари белгиланган. Аслини олганда ҳар қайси иқтисодий муносабатлар ёки тизимларда принциплар ўта муҳим саналади.

Аслида принциплар жараёни ташкил этиш, уни амалга ошириш ва унинг келгусидаги ривожланиш жараёнларининг умумий йўллари ва йўриқларини ўзида ифода этувчи ижтимоий-иқтисодий тушунча ва жараёндир.

Принциплар ҳар қайси ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва воқеликларни ташкил этиш ва унинг йўналишларини «Йўлчи юлдуз»и ҳисобланади. Нима учун «Йўлчи юлдуз» деб номланган? Галактикадаги йўлчи юлдузларнинг атрофида жуда кўплаб бошқа юлдузлар мавжуд бўлиб, улар ўзининг ҳаракатланувчи йўналишларини йўлчи юлдузнинг оқимига мослаштириш орқали амалга оширади ва ундан узоқлашиб кетмайди. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳам айнан ушбу жараён хос хусусият бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ҳодиса, жараён ва воқеликлар маълум бир принциплар асосига қурилган бўлиб, унинг йўналишида давом этади. Албатта, табиий ҳодисаларнинг ривожланиш принциплари билан инсониятнинг ўзи томонидан яратилган ижтимоий-иқтисодий принциплар ўртасида бир қатор фарқлар мавжуд бўлиб, жамиятдаги муносабатларда уларнинг баъзилари объектив характерга эга бўлса, баъзилари субъектив, яъни инсоният ўзи яратган бўлади. Иқтисодий муносабатлардаги принциплар эса объектив ва субъектив принциплар асосида ривожланади. Албатта, уларнинг объектив ва субъектив эканлигини англаш қийин бўлмаса-да, айрим вақтларда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва унинг оқибатлари баъзи бир субъектив принципларнинг қанчалик самарадорлигини ҳам кўрсатиб беради. Масалан, иқтисодий тизимларни қўллаш принциплари, молиявий бозорларни бошқариш

принципларида объектив принциплар ўз ҳукмронлигини, яъни субъектив принципларнинг қанчалик асосли эканлигини кўрсатиб берди. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий жараёнда принцип бўлиши шартлигини ҳам назария, ҳам амалиёт исботлаб берган, бу ўзига хос аксиомадир.

Танланган бенчмаркга қўллаш учун ўлчов фоизини танлашда объект ҳажми ва мураккаблиги ошиши билан фоиз кўпинча камаяди. Ўртача ўлчов фоизини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

- Мулкчилик ва/ёки бошқарувнинг контцентрацияси
- Қарз ва қарзни тартибга солиш даражаси
- Бизнес муҳити
- Ташкилот рўйхатга олинган объектми ёки йўқми

Муҳимлилик умуман молиявий ҳисобот учун муҳимлик миқдорини аниқлаш ва компаниянинг тегишли кўрсаткичлар ва оқилона ўлчов фоизлари билан боғлиқ параметрларини ҳисобга олган ҳолда ушбу миқдорнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш орқали аниқланади.

Ҳужжатлар кенг тарқалган ҳолатларда кенг қўламли бўлиши шарт эмас, масалан, рўйхатга олинган корхона учун солиқ тўлашдан олдинги фойданинг 5% бошқа омиллар бўлмаганда фойдаланиш; операциялардан йўқотишлар, зарарсиз операциялар ёки юқори ўзгарувчан даромад тенденциялари кўриб чиқилди.

Муҳимлик даражасининг пастлиги муайян шароитларда умуман молиявий ҳисобот учун муҳимликдан пастроқ миқдор молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳолларда қўлланилиши керак бўлган муҳимликни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш лозим бўлади.

Муайян транзакция класси учун пастроқ муҳимлик зарур бўлса, ҳисоб баланси ёки маълумотни ошкор қилиш самарадорлигини, шунингдек, операция синфи, ҳисоб қолдиғи ёки ошкор қилиш учун ҳам аниқлаш талаб қилинади.



1-расм. Давлат молиявий назорат принциплари.

1-расмда келтирилаётган ва биз томонимиздан давлат молиявий назоратнинг принциплари тизимининг умумий моҳияти шундан иборатки, назорат принципларининг ўзини ҳам уч турга: ташкилий, амалий ва якуний принципларга ажратиш ўз самарасини беради. Агар, давлат молиявий назоратини амалга оширишда унинг ташкил этишда унинг муҳим принципларига мувофиқ ташкил этса, якуний натижага ижобий таъсир қилади. Бунда молиявий назорат аниқ бўлиши керак, у аниқ мақсадга қаратилган бўлиши керак, сабаби мақсад аниқлаштирилмаса, уни амалий жиҳатдан амалга ошириш стихияли тус олади. Молиявий назоратнинг ташкилий принциплари уни амалга оширувчи мутахассисларнинг касбий савияси ва тажрибасидан келиб чиқиб белгилаш лозим бўлади, молиявий назоратдан кутилаётган самара ёки натижанинг мазмунидан келиб чиқиб, мутахассисларни белгилаш зарур бўлади.

Фикримизча, давлат молиявий назоратда ташкилий принципларга тўлиқ амал қилиш унинг амалий қисмига ижобий таъсир қилади. Молиявий назоратни амалга оширишда аввало илмийликка асосланиш катта аҳамиятга эгадир. Амалий жараёнда энг муҳим жиҳатлардан бири бу ишончли ахборот манбалари таянилиши муҳимдир, шу боисдан бу принцип ҳал қилувчи роль ўйнайди. Молиявий назоратни амалга ошираётганда тизимли ёндошилмаса, асосли хулосалар чиқариш қийин бўлади, ўз навбатида амалий жараёнда миқдорий ва сифат кўрсаткичларига асосланиш керак, уларни ўзаро таҳлил қилиб бориш лозим бўлади, албатта, молиявий назорат очиқлик принципида амалга оширилса, назорат объектидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мумкин. Буни биз соддароқ қилиб тушунтирганда, агар моддий жавобгар шахс томонидан молиявий маблағларнинг ўзлаштирилиши аниқланган бўлсада, бу ҳолатни очиқлик асосида ундирилмай, молиявий назорат натижалари бўйича ҳуқуқ тартибот органлари орқали ундириш меҳнат сиғимининг ошишига олиб келади, шу боисдан, очиқлик принципини қўллаш ҳамма вақт бўлмасада, ўз моҳиятига эга.

Давлат молиявий назоратни ташкил этиш, амалга ошириш ва унинг натижаларини расмийлаштириш принципларида охириги жараёнлар бўлган якуний принциплар ҳам муҳим роль ўйнайди. Якуний принциплар шундай аҳамиятга эгаки, унда молиявий назоратнинг самарадорлиги аниқланади. Бунда диалектик ёндошиш, масалан, аниқланган молиявий қонунбузилишларга сабаб бўлган омиларни ўзаро боғлиқликда қараш ва баҳолаш жуда муҳим бўлади. Якуний хулосалар чиқарилаётганда мантиқийлик асосда ёндошиш молиявий назоратнинг холислигини таъминлашга хизмат қилади.

Самарадорлик принципи асосида молиявий назоратдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади, бу принципни қўлланилиши, фақатгина молиявий қонунбузилишларни аниқлаш орқали тегишли шахсларни жавобгарликка ёки ташкилотга молиявий санкциялар белгилаш эмас, шу билан биргаликда молиявий қонунбузилишларнинг олдини олиш, қайта такрорланмаслик йўналишида молиявий маслаҳатлар, йўналишлар ва молиявий-ҳуқуқий жиҳатдан услубий ёрдам кўрсатиш айнан самарадорлик принципининг моҳиятини ташкил этиш лозим бўлади. Шундай қилиб давлат молиявий назоратининг принципларини тўғри

аниқлаш ва уларга амал қилишдан асосий натижа унинг мақсадини таъминлашга қаратилиши зарур бўлади, бу эса назоратни амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг мутахассислари томонидан молиявий назоратнинг принципларининг моҳиятини тўлиқ англашни ва уларга амал қилишни тақозо этадики, биз томонимиздан таклиф этилаётган давлат молиявий назоратининг принциплари ана шу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз ҳисобланади.

## 5. Хулоса.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкин бўладики давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва уни амалга оширишда маълум бир ташкилий инструментларга асосланади. Албатта, молиявий назоратни маълум бир ташкилий тизимларга асосланган ҳолда амалга ошириш унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Давлат молиявий назоратнинг ташкилий асослари деганда бизнинг фикримизча, уни ташкил этишдан тортиб то унинг якуний натижалари бўйича эришилган самарадорликкача бўлган жараёнларни маълум бир тизимлаштирган ҳолда амалга оширишни таъминлайдиган элементларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади.

боғлиқ бўлади, агар, мутахассис малакали бўлмаса ёки тажрибаси етарли бўлмаса, аниқлаб олинган вазифаларни амалга ошириш шубҳа остида қолади.

Молиявий назоратнинг принципларини белгилаш ва унга амал қилиш йўналишлари белгилаш ҳам муҳим саналади. Молиявий назоратда амал қилинадиган принципларини аниқлаш уни амалга оширишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беради. Давлат молиявий назоратни амалга оширишда қўлланиладиган принциплар хусусида қарашлар турли тумандир. Муаллифлар томонидан тавсия этилаётган принципларнинг ҳар бирининг ўз хусусияти мавжуддир. Аксарият тавсияларда қонунийлик, очиқлик, тизимлилик принциплар учрайди. Айрим қарашларда эса, режалилик, самарадорлик, мувофиқлашувчанлик, диалектик ёндошув, мантиқийлик принциплар ҳам таклиф қилинади.

## Адабиётлар:

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 452-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 52-I-сон; 2014.- 36-сон.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ – 657 – сонли Қонуни.- [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

1.3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎЗР Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон, 70-модда.- [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

